

8-1-2019

## DIRECTIONS FOR THE USE OF THE SOUTH KOREAN EXPERIENCE IN THE ORGANIZATION OF AGROCLUSTERS

Mohigul Murodova

*Tashkent State University of Economics*, [dilnoz88.murodova@mail.ru](mailto:dilnoz88.murodova@mail.ru)

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Murodova, Mohigul (2019) "DIRECTIONS FOR THE USE OF THE SOUTH KOREAN EXPERIENCE IN THE ORGANIZATION OF AGROCLUSTERS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 14. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss4/14>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## **Directions for the use of the South Korean experience in the organization of agroclusters**

The article highlights the need to study the experience of foreign countries in building agro-clusters in Uzbekistan, including an analysis of the economic, organizational and institutional aspects of the South Korean experience, and a system of measures for the effective use of Uzbekistan's conditions.

**Key words:** competitiveness of agriculture, National Federation of agricultural cooperatives of Korea, institutional structure, territorial specialization, marketing systems, agro tourism, human capital, research station, logistics center of agriculture.

Today, sustainable agricultural development depends largely on increasing its competitiveness. In this direction, the construction of agro-clusters in Uzbekistan is an important factor. In regard to the experience of South Korea with its economic, institutional and institutional aspects similar with the conditions of Uzbekistan and it requires studying the state experience and studying the perspectives of its application in Uzbekistan.

In Uzbekistan, as in all sectors and sectors of agriculture is also rapidly developing. In this case, the real owner of the land, large-scale reforms in the field, the current situation in agriculture, the state support of the manufacturers, their comprehensive support are yielding their results. As a result of gradual implementation of reforms in the agrarian sector in Uzbekistan, the expansion of economic freedom of agricultural producers and the improvement of prices for state order, reorganization of the structure of large agricultural enterprises with low profitability and losses, as well as establishment of farms on their basis, improvement of reclamation status of irrigated lands, development of material and technical base for conservation of fruits and vegetables, deepening of processing of agricultural raw materials, modernization, technical and technological re-equipment of farms, and optimization of land parcels of farms, to the point of view, the organizational and economic foundations of sustainable economic activity have been created through the

creation of a modern service infrastructure that can meet today's requirements to support their activities.

Nowadays, sustainable agricultural development depends largely on increasing its competitiveness. In this direction, the construction of agro-clusters in Uzbekistan is an important factor. However, given the fact that agro-clusters are a new institutional structure in the republic, alongside with the theoretical and methodological aspects of agro-clusters, the experience of foreign countries is an important factor for researching.

However, it is desirable to study the theoretical viewpoints directly related to the agro-clusters, based on the different approaches to the agro-cluster's notion of a comprehensive theory of economic well-being, organization and development of principles, stages and effectiveness.

The term "cluster" was originally used in mathematics and in many natural sciences, as an independent unit that has been translated into English from the cluster, combined with the accumulation, collection, group meanings, and some specific features. In the 1970's in the economy, Swedish economists K. Frederickson and L. Landmarks used the cluster assignment to determine the concentration of enterprises in a restricted area.

In the 80's of the 20th century, the scientific process the term "cluster" is portrayed by Porter as an economic category. He believes that cluster is a geographical cross-sectoral combination of companies and institutions operating in a particular field

Тошкент давлат иқтисодий университетининг  
“Саноат иқтисодиёти” Кафедраси докторанти  
Муродова Моҳигул Чори қизи  
E-mail: dilnoz88.murodova@mail.ru

## **Агрокластерларни ташкил этиш тажрибасидан фойдаланиш йўналишлари (Жанубий Корея мисолида)**

Мақолада қишлоқ хўжалигининг рақобатбардошлигини ошириш Ўзбекистонда агрокластерларни барпо этишда хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш зарурияти, жумладан, Жанубий Корея давлати тажрибасининг иқтисодий, ташкилий ва институционал жиҳатлари таҳлиллари асосида, Ўзбекистон шароитидан келиб чиққан ҳолда фойдаланишнинг асосий йўналишлари ва самарали фаолияти учун чора-тадбирлар тизими ёритилган.

**Калит сўзлар:** қишлоқ хўжалигининг рақобатбардошлиги, Корея Миллий Қишлоқ хўжалиги Кооперативлар Федерацияси, институционал тузилма, ҳудудий ихтисослашув, маркетинг тизими, агротуризм, инсон капитали, илмий-тадқиқот станцияси, қишлоқ хўжалиги логистика маркази.

### **Направления использования Южно Кореяского опыта в организации агрокластеров**

В статье на основе анализа зарубежного опыта, в том числе, экономических, организационных и институциональных аспектов Южной Кореи, определены основные направления их использования в повышении конкурентоспособности сельского хозяйства, предлагается система мер и механизмы для эффективной деятельности агрокластеров в Узбекистане.

**Ключевые слова:** конкурентоспособность сельского хозяйства, Национальная Федерация сельскохозяйственных кооперативов Кореи, институциональная структура, территориальная специализация, система маркетинга, агротуризм, человеческий капитал, научно-исследовательская станция, центр логистики сельского хозяйства.

### **КИРИШ**

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши аксарият жиҳатдан унинг рақобатбардошлигини оширишга боғлиқдир. Ушбу йўналишда Ўзбекистонда агрокластерларни барпо этиш муҳим омил ҳисобланади. Бу борада Жанубий Корея давлати тажрибаси ўзининг иқтисодий, ташкилий ва

институционал жиҳатлари билан Ўзбекистон шароитига ўхшашлиги бу давлат тажрибасини ўрганиш ва Ўзбекистон шароитида қўллаш истиқболларини ўрганишни тақозо этади.

Ўзбекистонда барча соҳа ва тармоқлар каби қишлоқ хўжалиги ҳам жадал ривожланмоқда. Бунда ер ҳақиқий эгасини топганлиги, соҳада изчил амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, қишлоқ хўжалигидаги мавжуд ҳолатлар, ишлаб чиқарувчиларга давлат томонидан зарур кўмакнинг берилаётганлиги, уларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги ўз самарасини бермоқда. Ўзбекистонда амалга оширилаётган аграр соҳадаги ислохотларни бочқичма босқич амалга ошириш натижасида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг иқтисодий эркинликларини кенгайтириш ва давлат буюртмасига нархларнинг шаклланишини такомиллаштириш, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлайдиган йирик қишлоқ хўжалик корхоналари таркибий тузилмасини қайта ўзгартириш ҳамда уларнинг негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлашни чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонини мақбуллаштириш, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун бугунги кун талабига жавоб бера оладиган замонавий хизмат кўрсатиш инфратузилмасини яратиш орқали барқарор иқтисодий фаолият юритишларининг ташкилий ва иқтисодий асослари яратилди. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши аксарият жиҳатдан унинг рақобатбардошлигини оширишга боғлиқдир. Ушбу йўналишда Ўзбекистонда агрокластерларни барпо этиш муҳим омил ҳисобланади. Бироқ агрокластерларнинг республика шароитида янги институционал тузилма эканлигини инобатга оладиган бўлсак, агрокластерларнинг назарий ва услубий жиҳатлари билан бир қаторда, хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш муҳим омил ҳисобланади.

## **МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ**

Бироқ, агрокластерни иқтисодий моҳияти, ташкил этиш ва ривожлантириш тамойиллари, шарт-шароитлари, босқичлари ва самарадорлигини аниқлаш борасида кенг қамровли назариясининг тўлиқ шаклланмаганлиги натижасида турлича ёндашувлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда, бевосита агрокластер билан боғлиқ бўлган назарий қарашларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

“Кластер” атамаси «cluster» инглиз тилидан таржима қилинганда бир қанча бир хил элементларнинг бирлашуви, тўпланиши, гуруҳ маъноларида ва маълум даражада ўзига хос хусусиятларга эга бўлган мустақил бирлик сифатида, дастлаб математикада ва аксарият табиий фанларда ишлатилган. 1970 йилларда иқтисодиётда, швед иқтисодчилари К. Фредрикссон ва Л. Линдмарклар[1] чегараланган ҳудудда корхоналарни тўпланишини белгилашда кластер атамасидан фойдаланганлар. Илмий жараёнга 20-асрнинг 80-йилларида М. Портер томонидан “кластер” атамаси иқтисодий категория сифатида киритилган. Унинг фикрича, кластер- маълум соҳада фаолият кўрсатаётган компания ва институтларнинг географик жиҳатдан тармоқлараро бирлашуви[2] ҳисобланади.

Бевосита агрокластернинг моҳияти А.А.Настин томонидан атрофлича асосланган. Жумладан, унинг таърифича, “агрокластер, бир вақтда ва ўзаро ҳамкорликда ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал қилиш ва атроф-муҳитни ҳимоя қилишда бирлашиш мақсадида географик жиҳатдан бир жойда жойлашган, ўзаро бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи, турли мулк эгалари-оилавий ферма, фермерларни кооператив корхоналари, ижтимоий ва илмий ташкилотлар, таълим муассасалари ва маслаҳат хизматларидан иборат бозор субъектлари тизими” [3] дан иборат.

Агрокластерлар ўзининг иқтисодий мазмунига кўра, агросаноат мажмуида тадбиркорлик агрокластери тарзида намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан ҳам, назарий жиҳатдан унинг иқтисодий категория сифатида талқин этилиши агрокластернинг моҳиятини кенгроқ очиб беради. Жумладан, А.В.Глотка томонидан берилган таърифда ”агросаноат мажмуидаги тадбиркорлик агрокластери-ушбу тизимда маълум даражада ўзаро алоқа қилиш маданиятига эга бўлган боғлиқлик билан, иштирокчиларининг умумий иқтисодий манфаатларини амалга оширувчи ва технологик занжир тамойили асосида ташкил этилган ҳудудий жиҳатдан алоҳида инновацион йўналтирилган интеграцион тузилма” [4] тарзида баён этилган бўлса, Р.Р.Тохчуков эса, янада аниқроқ тарзда “тадбиркорлик агрокластери- пировард натижаси синергетик самара олиш ҳисобланган ишлаб чиқаришнинг барча босқичлари-қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулотни сотишгача жараёнларни ягона такрор ишлаб чиқариш тарзида мужассамлаштирган турли фаолият билан шуғулланувчи ташкилотларни бирлашуви” [5] дан иборат эканлигини сифатида таърифлайди.

Шунингдек, Э.Галвес-Ногалес агрокластерни содда ҳолда ифодалаб- “маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва институтларнинг умумий манфаат олиш ва имкониятларни кашф этиш йўлида расмий ёки норасмий тарзда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ўзаро боғланиши ва тармоқлараро алоқаларни

ўрнатишидир” дея таъкидлайди [6]. Ушбу назарий таърифларни янада такомиллаштирган ва кенгайтирган ҳолда умумлаштириб, “агрокластер-қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларини ягона занжирга бирлаштириш ва юқори технологик инновациялардан фойдаланиш билан бир қаторда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ жойларда инфратузилма мажмуини шакллантириш ва ривожлантириш, қишлоқ аҳолисини иш билан бандлиги даражаси ва даромадларини ошириш ҳамда келажақда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ва экологик муҳитни яхшилашда фаолият юритадиган хўжалик юритиш субъектларидан таркиб топади” деган хулосага келиш мумкин.

### **Агрокластерларнинг умумий хусусиятлари<sup>1</sup>**

Кўрсаткичлари	Мазмуни
Ташкил этиш мақсади	инновация алоқаларини ривожлантириш, ихтисослашуви ва жойлашуви орқали бозор субъектларини бир-бирларига яқинлаштиришлари эвазига алоҳида тармоқлар ёки минтақаларни рақобатбардошлигини ошириш
Алоқаларнинг турлари ва хусусиятлари	вазифалари, бозор, минтақавий ва тармоқлар ўртасида
Самарали тизимни шаклланиши(усуллари)	бозор муносабатлари ва механизмлари таъсирида, давлат-хусусий корхоналар ҳамкорлигини мақсадли ташкил этиш, агрохолдинглар ва қўшма корхоналар ҳамда алоҳида иқтисодий ҳудудлар тузиш,
Иқтисодий асоси	инновацион ишлаб чиқариш, технопарклар, ягона технологик жараёнларга эга бўлган ишлаб чиқариш ва тармоқлар
Институционал хусусиятлари	давлат стратегияси объекти, шу жумладан, инновация соҳасида
Ташкил этиш ва бошқариш усуллари	стратегик ва индикатив режалаштириш, мақсадли-дастурий ёндашув, лойиҳа усуллари
Назарий асослари	М.Портер рақобат назарияси, тизимли ёндашув асослари, “ўсиш доираси” концепцияси ва бошқалар
Иқтисодий тизими	бозор иқтисодиёти
Чегаралари	белгиланган ҳудуди чегараланмаган, аналитик усуллар орқали аниқланади.

Шу нуқтаи назардан ҳам, ривожланган мамлакатлар тажрибасини ижобий натижаларига кўра, қишлоқ хўжалигини рақобатбардош ривожланишининг

<sup>1</sup>Расм муаллиф томонидан тузилган.



самарали омилларидан бири агрокластерларни шакллантириш ва уларни фаолиятини ривожлантириш ҳисобланади.

Агрокластерларнинг умумий хусусиятларини тизимлаштириш орқали уларнинг фаолиятининг барча кўрсаткичлари бўйича кенг тасаввурга эга бўлиш мумкин. Бу борада иқтисодчи олим А.И.Скиба томонидан агрокластерларнинг умумий хусусиятлари бўйича тизимлаштирилишига оид ишланмалари [7] муҳим аҳамиятга эга. Агрокластерларни ташкил этиш ва қўллаб-қувватлашда давлат бевосита иштирок этиши лозим. Хусусан, М.Портер томонидан асосланган агрокластерни унинг тўртта рақобат устуворлиги: “ромб модели чўққилари” - «Diamond»<sup>2</sup> орқали қўллаб – қувватлайди. Яъни:

1. Ишлаб чиқариш омиллари(табiiй,мехнат ресурслари, капитал, бозор инфратузилмаси, қонунчилик тизими, маълумотлар инфратузилмаси, фан-техника ва технологик жараёнлар,);

2. «Талаб» (истеъмолчининг талаби,унинг эҳтиёжи) ;

3.«Турдош ва қўллаб-қувватловчи тармоқлар» (рақобатбардош таъминловчилар ва турдош тармоқлар);

4.«Фирма стратегияси, рақобат » (инвестиция, фирмаларнинг доимий ривожланиши ва улар ўртасида кучли рақобатни рағбатлантирувчи иқтисодий сиёсат).

Шунингдек, давлат томонидан “кластер сиёсати” бевосита бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган учта йўналишда амалга оширилиши лозим,яъни, инновациялар учун тўсиқларни бартараф этиш, инсон капитали ва инфратузилмага инвестицияларни йўналтириш ва агрокластер иштирокчиларини географик жиҳатдан тўпланишини қўллаб-қувватлаш.

Агрокластерларни ташкил этиш зарурияти, тамойиллари, босқичлари, ривожлантириш йўллари ва самарадорлигини баҳолашда кенг қамровли ёндашув талаб этилади. Жумладан, авваламбор, назарий жиҳатдан бир хил гуруҳлар объектларини иқтисодий-географик жойлашувига кўра,кўп ўлчовли статистик жараёнларни жамланмаси таҳлиллари амалга оширилади. Методологик жиҳатдан, эса кластерлар ҳудудий-тармоқ мажмуаси назарияси, тизимли ёндашув, ишлаб чиқаришни ташкил этиш тамойиллари ва иқтисодий ўсиш концепцияларини ўзаро алоқаларини акс эттиради. Ниҳоят, амалий жиҳати, кластер иштирокчилари - қишлоқ хўжалиги ва унинг маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларни фаолиятини ривожлантиришни стратегик бошқаришдан фойдаланиш ва эришилган натижаларини ташкил этади.

Агрокластерлар ўз фаолиятида учта хусусиятга асосланишлари мумкин:

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ҳудудий ихтисослашув ва маҳаллийлаштириш;

---

<sup>2</sup>Портер М. Международная конкуренция / М. Портер: [Пер. с англ.] - М.: «Международные отношения», 1993 - с.898



-тармоқнинг хўжалик юритувчи субъектлари ўртасидаги ўзаро алоқалар;  
- турли тармоқлар ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи технологик ўзаро алоқаларнинг шаклланганлиги кабилар.

Агрокластернинг маркази стратегик ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома асосида ўз атрофига қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ( фермер ва деҳқон хўжаликлари), илмий-тадқиқот муассасалари, турли хизмат кўрсатувчи инфратузилма ташкилотлари, маҳсулотларни сотиш, реклама қилувчи маркетинг хизматини ўз атрофида бирлаштирган қайта ишловчи корхоналар бўлиши мумкин.

Ҳозирги вақтда агрокластерларни шакллантиришга уч хил ёндашув мавжуд, жумладан:

-минтақалар маъмурияти мутахассислари, агрокластерни ташкил этишдан манфаатдор бўлган ва реал ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўлган ташкилотлар асосида кенгайтирилган ишчи гуруҳлари ташкил этиш;

-хизматлар кўрсатиш бўйича шартномалар тузиш орқали давлат ва маҳаллий бошқарув ташкилотларини минтақаларда фаолият юритаётган илмий-тадқиқот муассасалари, маслаҳат фирмалари ва олий ўқув юртлари билан ҳамкорлиги;

- бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар учун агрокластерлар янги институционал бирлик бўлганлиги учун ҳам, махсус давлат ташкилоти, масалан, Иқтисодий ривожлантириш агентлиги ёки Ўзбекистон шароитида савдо- саноат палатаси, Республика Фермерлар кенгаши томонидан амалга оширилиши, бунда, таъсисчилар сифатида давлат томонидан минтақалар ташкилотлари ( кўчмас мулк ва бошқа мулклар билан таъминлаши)-маҳаллий давлат ҳокимият ташкилотлари (туман ҳокимлиги)- қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ( туман фермерлар кенгаши ва деҳқонлар)-илмий-тадқиқот муассасалари-олий ўқув юртлари-қайта ишловчи корхоналар-турли хизматлар кўрсатувчи инфратузилма субъектлари ва маҳсулотни сотувчиларнинг ўзаро ҳамкорликдаги ёки алоҳида ташаббуси бўйича ташкил этиш мумкин

Агрокластерни ташкил этишнинг муҳим жиҳатларидан унинг иштирокчиларини биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини – ишлаб чиқариш-қайта ишлаш-сотиш-илмий тадқиқот жараёнларини ўзида мужассамлаштирган ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалиётда қўллаш орқали бир-бирларига ишончларини юқорилиги ҳисобланади.

## **ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР**

Бу борада Жанубий Корея давлати тажрибаси ўзининг иқтисодий, ташкилий ва институционал жиҳатлари билан Ўзбекистон шароитига ўхшашлиги билан ажралиб туради. Кореяда агрокластерларни ривожлантириш зарурияти асосан қуйидаги омиллар билан белгиланганлигини таъкидлаган

ҳолда, Ўзбекистон шароитида ҳам асосий омиллар тарзида инобатга олиш мумкин. Жумладан:

- давлатнинг қишлоқ хўжалигига амалий ёрдами ва қўллаб-қувватлаши ҳамда ислохотларни амалга оширишдаги етакчилиги; - тарихий ва миллий анъаналардан фойдаланиш, уларни сақлаб қолиш, замонавийлаштириш асосида янги йўналишларни шакллантириш;

- ҳудудий ихтисослашув ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш ва ривожланишининг барқарорлигини таъминлаш;

- давлат-университетлар-илмий тадқиқотлар-фермерлик-кайта ишлашбизнеснинг биргаликда фаолият юритишининг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш механизми;

- олимлар мавқеи ва илмий тадқиқотлар натижаларининг юқорилиги ҳамда уларни қўллаб-қувватлашда давлат сиёсати даражасидаги мавқеининг юқорилиги;

- юқори инновацияга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этишга устуворлик берилиши ва уни давлат томонидан қўллабқувватлашнинг самарали механизмнинг шаклланганлиги;

- маркетинг тизимининг ривожланганлиги;

- инсон капиталига муносабатнинг юқорилиги ва уни қишлоқда ривожлантиришга устуворлик берилиши. Ушбу омилларнинг Ўзбекистон шароитидан келиб чиққан ҳолда самарали ишлаши учун кенг қамровли чоратadbирлар тизими ишлаб чиқилиши лозим. Маълумки, агрокластерлар давлат, фермерлар, олий таълим ва тадқиқот муассалари ҳамда хусусий корхоналар ташаббуси асосида ташкил этилади. Хусусан, Жанубий Кореядаги машҳур Сунчанг Паста ишлаб чиқариш кластери (Sunchang Paste Cluster) маҳаллий ҳокимият томонидан бошқариладаган кластер бўлиб, соя, қалампир, кулупнай, олхўри кабилардан турли хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Ушбу кластер Корея ҳукуматининг қишлоқ ҳудудларида демографик ҳолатни яхшилаш (қишлоқ аҳолиси, асо сан ёшларнинг шаҳарга кетиб қолишини камайтириш), тарихий анъаналар асосида ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, қишлоққа саноат ва агротуризмни олиб кириш каби ривожлантириш дастурлари асосида ташкил этилган. Агрокластердаги 5292 та фермер хўжалигида 9780 гектар экин майдонида маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унда жами 12331 та киши ишлайди [8]. Жами 30 минг аҳолиси бўлган ушбу ҳудуднинг ҳозирда йиллик экспорти 1 миллион АҚШ долларини ташкил этмоқда. Агротуризм ва меҳмонхона сервисини ривожлантириш ҳисобига 2018

йилга бориб йиллик экспортни 3 миллион АҚШ долларига етказиш режалаштирилган. Хайратланарли томони шундаки, ушбу кичик бир қишлоққа ҳар йили ўртача 12 мингдан ортиқ турист ташриф буюради. Ўзбекистонда ушбу кластернинг қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш дастурларини қўллаб-қувватлаш, тарихий анъаналар асосида соя, қалампир каби маҳсулотларни ферментация қилишда оилавий корхоналарни ва уйларни аслича сақлаб қолиш ва туризм объектига айлантириш, агротуризм (шаҳар аҳолиси ва болаларнинг ўз қўллари билан мева-сабзавотларни узишлари ёки уларни қайта ишлаш ва тайёрлашда иштирок этишлари), қишлоқда меҳмонхона бизнесини йўлга қўйишда фестивал ва турли тадбирлар ўтказиш тажрибаларидан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, фермерлар учун ахборот-маслаҳат бериш ҳамда қишлоқ хўжалиги агрегатларидан биргаликда фойдаланиш тажрибалари ҳам диққатга сазовордир. Бунда марказий давлат ва маҳаллий ҳокимият томонидан молиялаштириш, турли ўқитиш семинар-тренинг лойиҳаларини амалга ошириш, марказнинг фаолиятидаги ишлаб чиқариш жараёнлари, маҳсулотни қайта ишлаш ва техникавий ёрдам кўрсатиш каби деҳқон учун имкониятлари чекланганлиги шароитда давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид тажрибаларни Ўзбекистонда нафақат фермер, балки деҳқон хўжаликларида ҳам қўллаш мумкин ҳамда агрокластерларни ташкил этишда маҳаллий ҳокимиятнинг қўллаб-қувватлаши ва ҳудудларнинг ихтисослашуви ва етиштириётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлигига асосий эътиборни қаратиш каби омиллардан фойдаланиш мумкин. Чунгдо хурмо кластери (Chungdo Persimmon Cluster) 2009 йилда фермерлар ташаббуси билан ташкил этилган. Маълумот ўрнида айтиш керакки, Корея дунёда етиштирилаётган барча хурмо мевасининг 12 фоизини ишлаб чиқаради [9]. Ушбу ҳудудда Кореядаги уруғсиз хурмонинг 65%и етиштирилади. Фермерлар ташаббуси асосида ташкил этилган ва бошқариладиган ушбу кластер хурмодан йил давомида янги узилган, ярим қуритилган, қуритилган, ферментация қилинган, хурмо ёғи, хурмо виноси, ранг ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Хурмо кластери хурмо етиштириш-қайта ишлаш-нархини сақлаш-маркетинг ва рекламани ривожлантиришга қаратилган. Ушбу кластер яна бир бор агрокластерда “бизнес-университетлар илмий тадқиқотлар-давлат”нинг биргаликдаги ҳаракати ва бунда илмий тадқиқотларга асосий эътибор берилганлигига амин бўлдик. Фермерларнинг ушбу кластерга қўшилиши натижасида оладиган даромадлари бошқа тармоқлар қўшилиши ҳисобига кескин ошганлигини кўриш мумкин. Ўзбекистонда ушбу кластернинг маҳсулотни оддий усулда турли кўринишда ишлаб чиқариш ва бунда илмий

тадқиқотларга асосий урғу бериш; инновацион маҳсулотлар (м-н, соғлиқ учун фойдали сироп ва бошқалар) ишлаб чиқариш; юқори харид нархлари орқали фермерларни кластерга жалб этиш, маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш; кадрлар тайёрлаш каби тажрибаларидан фойдаланиш мумкин. Гиёнгсангбукдо қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари марказининг Сангжудаги хурмо тажриба станцияси (Gyeongsangbuk-Do AR& ES, Sangju Persimmon Experiment Station) хурмо бўйича тадқиқотлар олиб борадиган, яъни уни етиштиришдан то истеъмолчиларга етказишгача бўлган жараёнларни тадқиқ этадиган Кореядаги ягона станция ҳисобланади. Ушбу илмий-тадқиқот станцияси энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб, бу станцияда 27 киши, шу жумладан, 6 та профессор, 2 та ёрдамчи ва 4 та техник ходимҳамда 15 та яна бошқа ёрдамчи мутахассислар фаолият юритади [10]. Станция ер майдони 11 гектардан иборат. Станция уч йўналишда иш олиб боради: - янги хурмо навларини яратиш; - янги технология ва усулларни ишлаб чиқиш; - янги қайта ишлаш технологияларини жорий этиш. Ўзбекистонда хурмо ўсимлиги бўйича тадқиқотлар уни етиштиришдаги ва истеъмолчиларга етказишдаги жараёнларни тадқиқ этиш, янги хурмо навларини яратиш, янги технология ва усулларни ишлаб чиқиш, янги қайта ишлаш технологияларини қўллаш каби илмий ишланмаларни тезликда жорий этиш, ушбу соҳадаги мутахассислар билан тажриба алмашиш кабилардан маълум турдаги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган, масалан, Қувада анор, Жомбойда олма, Булунғурда помидор, Паркентда узум етиштиришга оид агрокластерлар ҳамда улар таркибида тажриба станцияларини ташкил этишда фойдаланиш лозим. Мункиеонг олмани қайта ишлаш кластери (Munkyeong Apple Processing Promotion Group) бизнес корхоналари ҳаракати асосида тузилган кластер бўлиб, у истеъмолчиларга олма билан боғлиқ 100 дан зиёд маҳсулот ва хизматларни таклиф этадилар. Аввал ушбу ҳудудда кўмир қазиб олинган бўлиб, 1994 йилда кўмир қазиб олиш тўхтатилгач, аҳолининг шаҳарга кетиш қолишининг олдини олиш мақсадида ушбу ҳудудга олма кластери ва туризмни ташкил этиш учун давлат томонидан 50 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган. Ушбу олма кластери 2004 йилдан йилига 4 миллион АҚШ доллари миқдорида фойда олган бўлса, 2012 йилга келиб, маҳсулотлар миқдорининг турли-туманлиги, қўшимча хизматлар, агротуризм ва меҳмонхона хизматини таклиф этиш орқали 90 миллион АҚШ доллари миқдорида фойда олишга эришган [11]. Бизнес шароитда турли мева маҳсулотлари брендларидан (м-н, Самарқанд ёки Бахмал олмаси, Қува анори, Олтиариқ узуми кабилардан) фойдаланиш мумкин. Шунингдек, Ўзбекистонда аниқ йўналишлар бўйича қишлоқ хўжалигини

барқарор ривожлантиришда Жанубий Кореянинг ушбу соҳада фаолият юритадиган қатор ташкилотларининг қуйидаги тажрибаларидан фойдаланиш мумкин: - Жанубий Корея Миллий қишлоқ хўжалиги кооперативлари федерацияси (NongHyup) нинг кўп тармоқли ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сервис соҳаларини ўзида бирлаштирган йирик институтционал бирлашма ҳисобланади [12]. Мамлакатимизда ушбу бирлашманинг йилнинг барча фаслларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархларини бир хилда ушлаб туриш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига имтиёзли кредитлар бериш, озиқ-овқат марказларини ташкил этиш, мунтазам равишда кооператив аъзоларининг бизнесни амалга оширишларида манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида тренинглари ўтказиб, қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навларини тавсия этиб, ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва қишлоқ аҳолисининг даромадларини оширишга қаратилган фермерларнинг бизнес ва турли таклифларини қўллаб-қувватлаш, ҳар хил молиявий хизматлар ва бошқаларни кўрсатиш борасидаги бозор тамойилларига мос механизмларининг Ўзбекистоннинг шароитига мос жиҳатларидан Республика фермерлар кенгаши томонидан, республика ва ҳудудлар даражасида деҳқонларнинг нодавлат ташкилотларини шакллантиришда фойдаланиш; - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, қайта ишловчилар ва ушбу соҳага тааллуқли бўлган агробизнес субъектлари ўртасида мунтазам равишда қишлоқ хўжалиги маркетинги ва қишлоқ хўжалиги кооперативлари, қишлоқ жойларини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, бошқариш ва маркетинги бўйича тренинглари амалга ошириш; - Федерация (NongHyup)нинг фермер хўжаликларини инновацион технологияларни қўллаш борасида қўллаб-қувватлашда кўрсатаётган амалий ёрдами асосида молиявий, ташкилий агрокластерларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш ҳамда қўллаб-қувватлашда давлат билан ўзаро ҳамжиҳатликдаги фаолиятдан фойдаланиш, бунинг учун эса Республика фермерлар кенгаши фаолиятини, Савдо-саноат палатаси ва бошқа нодавлат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда бу ташкилотларнинг давлатнинг марказий ва маҳаллий ҳокимият вакилликлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатишлари талаб этилади; - Федерация (NongHyup) кўмагида ташкил этилган маҳаллий Корея қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш билан шуғулланадиган Ханора Тақсимот Маркази [13] (Hanora distribution center)ининг экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳудудларида тайёрлов омборлари ташкил этиш, фермерларни



озик-овқат талаблари асосида сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўргатиш, мамлакатда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини фермерлардан аввалдан тузилган шартнома асосида сотиб олиб, уларнинг сифати, кўриниши, ҳажми бўйича ажратиш, турли оғирликларда қадоқлаб, марказнинг ўзида чакана савдога чиқариб сотиш, ҳамда бошқа йирик ёки бошқа супермаркетларга уларнинг талабларига кўра ул гуржи ҳолатда етказиб бериш, ёш авлодга миллий маҳсулотларга нисбатан қизиқишни оширишда тренинг дарсларини уюштириш, қишлоқ хуудларини ривожлантириш дастурлари тажрибаларини мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини устувор ривожлантиришда қўллаш; - Ансеонг Қишлоқ хўжалиги логистика маркази (Anseong Agricultural Product Logistic Centre)нинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини фермер-марказ-магазин занжири бўйича сотиб олиш ва сотиш, истеъмолчилар учун қулай, яъни ювилган, ярим тайёр маҳсулотлар шаклидаги маҳсулотга айланттириш, қадоқлаш, маҳсулотларни сотиб олиш ва сотишдаги устама харажатларини паст даражада белгилаш каби тажрибаларини қўллаган ҳолда, Ўзбекистонда бу каби логистика марказларини қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг кейинги босқичларида, асосан, автомобил ва темир йўлларга яқин бўлган жойларда барпо этиш; - Кангвон Миллий университетининг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича лабораторияларининг амалиёт билан бевосита боғланган ҳолда илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ва уларни амалиётга жорий этиш тажрибаларидан Ўзбекистонда олий ўқув юртлари билан бевосита ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги алоқани ўрнатишда фойдаланиш. Ўзбекистон шароитида, Жанубий Корея Республикасидаги каби, агрокластерларнинг давлатнинг ташаббуси ва бевосита иштирокида ташкил этилиши энг мақбул йўл ҳисобланади.

### **ХУЛОСА**

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган институционал ва таркибий ўзгаришлар натижасида шаклланган хўжалик юритиш субъектлари ҳамда тармоқда улар ўртасидаги ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий муносабатлар мунтазам равишда такомиллаштириб боришни тақоза этишидан келиб чиққан ҳолда агрокластерларни барпо этиш борасида янги йўналишни амалга ошириш бугунги кунда аграр сиёсатнинг муҳим вазифаларидан бирига айланиши лозим. Чунки қишлоқ хўжалигининг қайта ишлаш ва қўшилган қиймат яратувчи соҳалар билан ўзаро алоқаларининг кенг йўлга қўйилмаганлиги рақобатбардош чуқур қайта ишланган экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сотиш каби бошқа соҳаларнинг ҳам фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ваҳоланки, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

етиштиришда миллий анъаналарни замонавийлаштирган ҳолда давом этириш, ҳудудларнинг табиий-жойлашуви бўйича ўзига хос рақобатбардош ва ички ҳамда ташқи бозорда юқори талабга эга бўлган маҳсулотлар етиштиришга ихтисослашуви (пахта хомашёси, Қува анори, Олтиариқ труфи, Бахмал ва Жомбой олмаси, Фарғона водийсидаги етиштириладиган мева-сабзавотлар ва ҳ.), қишлоқ хўжалигининг турли маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи мулкдорларнинг мавжудлиги (фермер ва деҳқон хўжаликлари), қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш воситалари етказиб берувчи, маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилари ва уларнинг маҳсулотларини қайта ишловчи, сотувчи ва турли йўналишда хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасидаги ўзаро интеграцион жараёнлар, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи юқори инновацион даражага эга бўлган корхоналар, тармоқ билан боғлиқ бўлган корхоналарнинг ўзаро ҳамкорлик ва рақобатга тайёрлиги, қишлоқ хўжалигини тартибга солишнинг бозор тамойилларига мос ҳуқуқий-меъёрий асосларининг шаклланганлиги, хизмат кўрсатувчи кенг қамровли инфратузилма ва юқори малакали мутахассисларнинг мавжудлиги ушбу номуносибликларни ҳал қилишда муҳим омил ҳисобланади.

### **ТАКЛИФЛАР**

Ўзбекистонда агрокластерларни барпо этиш, авваламбор, ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий асосларининг давлат томонидан шакллантирилиши даркор. Ушбу йўналишда биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Агрокластерларни ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилиниши. Иккинчидан, агрокластерлар учун қўшимча инфратузилма объектлари, яъни агротуризм, меҳмонхона ташкил этиш, учинчидан, агрокластерлар фаолиятини ўрганиш бўйича мониторинг олиб бориш, тўртинчидан, республикада агрокластерлар ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳини тузиш ва уларнинг вазифалари белгилаб олиш лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Spatial analysis, industry and the industrial environment. Progress in research and applications. Vol. 1. Industrialsystems / Edited by F. E. I. Hamilton and Linge G. J. R. Chichester, N. Y, Brisbane, Toronto: Wiley, 1979.

2. Porter, M. 1998. Clusters and the New Economics of Competition. Harvard Business Review. Available at: <http://hbr.org/product/clusters-and-the-new-economics-of-competition/an/98609-PDF-ENG>

3. Настин А.А. Сельскохозяйственный кластер Дании // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. 2011. №4, стр.45.

4. А.В. Глотко. Инновационна кластерная развития АПК. Материалы межрегион. научно-практ. конф. с междунар. участием “ Проблемы и



перспективы государственно-правового, экономического и социального развития субъектов Российской Федерации” 3-4 октябрь 2014г., Горно-Алтайский, РИО ГАГ, 2014 с.104.

5.Тохчуков Р. Р., Предпринимательский агропромышленный кластер: теоретические основы создания и функционирования в системе апк. рубрика: экономика четверг, 19 апрель 2012 , современные научные исследования: электронный научный журнал ,<http://www.sni-vak.ru/> info@sni-vak.ru

6.Galvez-Nogales, Eva. Agro-based clusters indeveloping countries:staying competitive ina globalized economy. Food and Agriculture Organization of the United Nations(FAO). Rome, 2014

7.А.И. Скиба. Кластеры: Реализация системного принципа в пространственно-институциональной организации производства.Ж. Региональная экономика: теория и практика,10, ( 193) 2015,с.31

8.Sunchang Paste Cluster: information brochure. 2015

9. FAOSTAT, [www.fao.org/statistics](http://www.fao.org/statistics)

10.Gyeongsangbuk-Do AR& ES, Sangju Persimmon Experiment Station information brochure, 2014

11. Munkyeong Apple Processing Promotion Group’s Annual Report 2016.

12. Keimyung University, Academia Koreana. South Korea 1200; Social Sciences 2019

13. Keimyung University, Academia Koreana. South Korea 3316; Social Sciences 2019